

МУЗЕЙ ВА ЖАМИЯТ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат
музейининг илмий ходим: Зулфия Комилова*

Жамият-бу асосан инсониятнинг ўтмишилари ва унинг турли даврлардаги ривожланиш жараёнлари ҳисобланади. Бундан инсонларнинг жамиятдаги ҳаёти, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, маданият, санъат, фан ва техника тараққиёти қабила ҳақидаги тарихий манбааларни ўз ичига олади. Шунингдек жамият тарихи инсониятнинг бугунги кундаги ҳолати ва келажак-даги ривожланиш йўллари тушуниш учун жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу соҳа инсонларнинг ўтмишдан сабоқ олиб, келажакда яхшироқ жамиятни куришга ёрдам беради. Тарихни барча даврларига илмий юзланадиган бўл- сак, Турон, Моварауннахр, Туркистон деб аталиб келган, тарихий аҳамиятга эга бўлган “Буюк ипак йўли” манзилларида жойлашган Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган, шу билан биргаликда уларни иқтисодини, маданиятини, санъатини, тараққиётини боғлаб турадиган ўлкалардан бўлганлиги эътироф этишимиз даркор. Дунё халқлари аجدодларимиз меросимиз қилиб қолдирган музейларимизда сақланиб келаётган, жуда ҳам ноёб ҳисобланган кўплаб асори-атиқаларимизни кўриш, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз билан таниши учун Ўзбекистонга турли олис юртлардан ташриф буюрмоқда. Асосларга таяниб айтадиган бўлсак, уйғониш даврида ҳам ўрта асрларда ҳам жаҳон тараққиётининг, илм-фан ривожининг ўчоғи, буюк алломалар макон топган, қадимий ва бой тарихи, маданиятига эга бўлган бу юртимизни жохон жаҳон цивилизациясида ўз ўрни мавжуд ҳисобланади. Барча соҳаларда Ўзбекистоннинг барча соҳалари шаклланиб келганлиги боис ҳам миллий хунармандчилигимиз буюмлари ранг-барангдир. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг маданият соҳасига оид бўлган 25 дан зиёд қармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг 50 дан зиёд бўлган қарор ва фармонлари қабул қилиниши, музейларимизни фаолиятини янада ривожлантиришга туртки бўлмоқда. Жумладан: 2017 –йил 5 сентябрда 698-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ҳозирда фаолият кўрсатаётган Исоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида”ги қарор асосида мажмуа таркибида Исоқхон Ибрат музейи, 2017 йил 6 ноябрда Жиззах вилоятида ҳудудида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги доирасида Шароф Рашидов музейи, 2017 йил 3 ноябрда Жиззах шаҳридаги “Ҳўжа Нуриддин” мадрасаси қайта реконструкция қилиниб, “Ҳамид Олимжон ва Зулфия” музейи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрда қабул қилинган “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий

техника базасини мустахкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей кўриқхонаси таркибида Мутал Бурхонов уй музейи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 июлда “Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Ҳазиний уй музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” 630-сонли қарори асосида Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов ва Ҳазиний музейларини ташкил этилиши бу соҳанинг ривожланиш босқичига кирганидан далолатдир. Ҳар қандай давлат тараққиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиб боришлари бу табиийдир. Чунки асрлар давомида музейлар дастлаб бадиий асарлар мажмуига кейин эса моддий ва маънавий маърифий ёдгорликларни йиғувчи ва сақловчи муассасага айланиб борди. Тарихий манбааларга юзланадиган бўлсак, 17-асрга келиб энг катта музейлар асосан олганда АҚШ, Англия, Швеция, Япония, Ҳиндистон ва Россия каби давлатларда барпо этилган эди. Дарҳақиқат аجدодларимиз меросини сақловчи ва тарғиб этувчи восита бу музейлардир. Музейларни бежиз тарих, маънавият ва санъат хазинаси деб тариф этишмаган. Ушбу хазина бизни аجدодлар ҳаёти, кураши ва қадимий бой мероси билан таништиради. Ҳақиқатдан ҳам музейлар халқимизнинг тарихий, маданий, илмий ва маънавий қадриятларни тўплайди, сақлайди ва намоиш этади. Бугунги глобал тараққиёт жараёнида ҳар қандай ютуққа илмий ёндошмасдав ва ҳар томонлама илмий изланмасдан эришиб бўлмаслиги барчага маълум. Давлатимиз раҳбарининг яна бир такидларидан куйдагисина келтириб ўтишимиз жоиздир. “Биз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбек-лар, Навоийлар ва Бобурларни яратишимиз керак” Бу билан давлатимиз раҳбари ёшлар таълим-тарбияси давлатимиз равнақи учун жуда муҳимлиги кўзда тутилган. Тарбия ижтимоий ҳаётнинг ўта мураккаб шаклларида хиссобрланади. Чунки, у аجدодларни авлодларга, мозийни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи вазифани бажарса, кейинги бир ҳолатда ота-боболаримиз, момоларимиз тўплаган жаммики яхши хислат ва фазилатлар, урф-одат ва анъаналар, қадриятларнинг яхлит тўплами, тарихий-ижтимоий тажриба, барча билимларни билиш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Жамиятни маънавий юксалишида миллий ғояни мустахкамлашда, ёш авлодларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларни алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда музейларимизда сақланиб, илмий ўрганиб келаётган тарихий ва маданий, маънавий ва моддий ёдгорликлар-қадим аجدодларимизнинг қўллари теккан, нафаси етган, назари тушган ашёлар мана шу халқнинг ким эканидан, аввалда ким бўлганидан сўйлаётган, узоқ тубсиз мозийдан келаётган садодир. Истиқлол шарофати билан музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва

такомуллаштириб бориш,уларни тубдан ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш масалаларига диққат эътиборни берилаётгани боис музейларда ўтаётган турли тадбирлан жонли,ўз даврининг нодир,ноёб экспонатларидан фойдаланиб, кўргазмалар ўтказилиши ҳозирги дав ёшлари онгида аجدодларимиз меросига ҳурмат,эҳтиром туйғуларини уйғотмоқда. Дунё халқлари тарихи,моддий ва маънавий маданияти музейларда сақланиб келаётган тунли тарихий ёдгорликлар замонлар оша ота-боболаримиздан қимматли мерос тариқасида бизга етиб келган архиологик, миллий хунармандчилик наъмуналаридир. Музейлар ёшлар олдида куйдаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб олган.Жумладан: жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни,давлат ва ҳарбий арбобларни,халқ қаҳрамонларини ҳаётини ва фаолияти билан билан боғлиқ бўлган бинолар,иншоотлар,эсталик жойларни ўрганишни,архиологик ёдгорликларни:кўхна шаҳарлар,кўрғонлар,қалъалар,қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар,корхоналар,каналлар,йўлларнинг қолдиқлари,қадимий дафн жойлар-мозоратлар,тош ҳайкаллар,қоядаги тасвирлар,қадимий буюмларни ўрганишни, меъморчилик обидалари,тарихиймарказлар,майдонлар,кўчалар, аҳоли яшайдиган турли манзилларнинг қадимий тузулишини,санъат ёдгорликларидан ҳайкалтарошлик ,ранг – тасвир каби асарларини,архив хужжатларини ўрганиш кабилар ҳиссобланади.Бугунги кунга келиб,музей-ларга бўлган эътибор ва шу билан бирга таълаблар ортиб бормоқда.Албатта булар жамиятда музейларнинг ижтимоий-маънавий вазифалари билан боғлиқлиги мавжуд.Юртимиздаги барча музейлар тизимини янада бундан ҳам кўпроқ такомуллаштириш,уларнинг халқ маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўринларини ошириб бориш,музейларимизнинг ҳазинасидаги турлича халқимиз тарихини,мустақиллик одимларини акс эттирувчи ноёб экспонатларни асраш,уларни илмий жихатдан ўрганиш,бойитиб бориш,намоиш этиш ва тарғиб қилиш,улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихорни,Ватанга бўлган муҳаббатни,садоқат туйғуларини ошириш йўлида кенг фойдаланиш олдимизга қўйган долзаб вазифаларимиздан эканлигини унутмаслигимиз даркор.Музейларимиз жамиятимизда тарихий хотираларни жонлантириш омили бўлиб хизмат қилар экан,унда намоиш этилиб келаётган материаллар ашёвий далил сифатида ўз даврига хос хусусиятларни акс эттирувчилиги билан бирга, уша давр маданияти,санъатидан ҳабар беришлиги боис ҳам қимматли ҳиссобланади.Унда бевосита шу буюмларда акс этган жозиба,сеҳр,геометрик аниқлик,кимёвий баркамоллик,қурилиш-архитектура инжиотларининг ўта аниқ ва мукаммал лойиҳаларга нисбатан инсон ақлини лол қолдирадиган бир таъсирни уйғота олади.Бу билан биз қадимий ота-боболаримиз ихтирочилигини хис этамиз ва бу билан дунё олдида фахрланамиз.Бизга асрлар оша етиб келган ўзбек миллий хунармандчиликларидан бўлмиш кулолчилик,мискарлик,ёғочсозлик, кандикорлик, мусаввирлик,ҳайкалтарош-

лик, меъморчилик, каштачилик, кўнчилик каби ўнлаб хунарманчиликларнинг давомчилари бўлишга интиламиз. Шу боис ҳам ёшларга барча ўқув марказларини таркибида миллий хунармандчилик тарихини тушунтириб борилади. Музейларимиз ҳазиналарида сақланиб келаётган мискарлик буюмларидан мис кўзалар, мис самаварлар, мис қумғонлар, обдасталар, чилимлар, чайнак-пиёлалар, сопол уй-рўзгор буюмлари, каштачилик наъмуналаридан палаклар, сўзаналар, мусаввирлар асарлари, Ўзбекистон кўчаларида ўрнатилган ҳайбатли тарихий шахслар ҳайкаллари буларнинг бари бизга аجدодлардан етиб келган миллий хунармандчилигимизнинг энг нодир ёдгорликларидир. Мустақиллик шарофати боис буюк аجدодларимизнинг бой тарихи, тарихий қадриятлари, минг йилликларни қамраган бетакрор ва жозибали маданияти тикланиб бормоқда. Шу жумладан унутилаётган она тилимизга, руҳиятимизга поклантирувчи динимизга қайтдик. Миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, миллий санъатимиз, халқ ижодиёти ва муסיқаларимиз каби халқ маданиятини ифода этувчи барча қадриятларимиз ҳозирги кунда қад рослади. Охирги вақтларда буюк аجدодларимизнинг сўнмас даҳоларига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқишлар хорижий элларда ҳам ортиб бораётгани барчамиз учун қувонарлидир. Бунинг тасдиғини дунёнинг турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эълон қилинаётган илмий ва бадиий асарлар, улуғ аجدодларимизнинг хотиралари учун барпо этилган ёдгорликларни мисол этишимиз мумкин. Қайси мамлакатга борсангиз, тарихий шахсларни, адабиётимиз номоёндалари сиймоларини учратишингиз мумкин. Маълумки, фақатгина Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингдан зиёд бўлган қўлёзма асарлар сақланиб келмоқда. Уларнинг асосиқ қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос руйхатидан ўрин олганлиги тарихий адабиётимиз нодирлигидан дарак беради. Бундан ташқари жамиятимизнинг маълум зиёлийлари бундай адабиётлар ёрдамида илмий изланишлар қилсалар, шунингдек ўзбек мутафаккирларининг асарлари, турли қўлёзма илмий ҳужжат ишлари Европа ва

Осиёнинг

Буюк

Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги кутубхоналарнинг “олтин фонди”ни бойитиб турибди. Давлатимиз раҳбари такидлаганларидек “Янги Ўзбекистонни барпо этиш-яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.” Ҳулоса ўрнида шуни такидлашимиз керакки, давлат музейлари жамиятимизда маънавий оламни бойитиш билан бир қаторда ҳозирги кун ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбия топишларда асосий воситалардан бўлиб келмоқда. Чунончи мамлакатимизда ёш авлодни маънавий етук, айтиб ўтилганидек ватанпарвар, инсоний ҳислатларга эга инсонлар қилиб тарбия топишларида, жамиятда ўз ўрниларини топа олишларида музейларнинг аҳамияти

улкандир. Жамият мустахкам сиёсий ва иқтисодий тизимга ва ўтмиш тарихи хотираларига мукамал эга илм соҳиби бўлар экан, бундай жамиятни ва шунингдек халқни келажаги ҳам ёрқин бўлиши муқаррардир. Чунончи ҳар қайси шахс, жамиятдаги ҳар бир ёш авлодқалбида жамият, эл-юрт, қўйинки, ота-она олдидаги масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустахкамлаш ҳаётимизни ривожланиб боришида муҳим аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек биз фарзандларимизни собитқадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур. Халққа ва Ватанга садоқат эса ота-онага садоқатдан бошланади. Шундай экан жамият ва музейлар ҳамкорлигида янги йўналишлар жорий этишга, аجدодлар меъросини ўрганиб боришга диққат эътиборимизни қаратишимиз муҳим ва шартдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Мозий сабоқхонаси” – Алижон Азизов, 2021-йил.
2. “Каталог”- И.Ю.Юсупов, А.Азизов, М.Усмонова* 2022-йил
3. “Фуқоролик жамияти”- Умумназарий, ижтимоий, сиёсий журнал.
4. “Тафаккур”- ижтимоий, маънавий, маърифий журнал-2016-йил.
- 5.

